

**“O’ZMAXSUSMONTAJQURILISH” акциядорлик компанияси
кузатув кенгаши мажлисининг**

3 - сонли БАЁННОМАСИ

Мажлис ўтказилган жой: Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 25-уй,
“O’ZMAXSUSMONTAJQURILISH” акциядорлик компанияси маъмурий биноси.

Мажлис ўтказилган сана: 2024 йил “29” ноябрь

Мажлисида иштирок этганлар:

Кузатув кенгаши раиси: М.Ў. Азамов

**Кузатув кенгаши
аъзолари:** Т.У. Атакулов, Ш.Р. Ботиров, А.А.Гулбоев,
У.Н.Бабаева

Мажлис кворуми 100% Мажлис кун тартибидаги барча масалалар бўйича қарор қабул қилиш ваколатига эга.

Таклиф этилганлар:

Ижроия органи: А.Х. Шодиев, О.Т. Жўраев, У.И. Азизов

Мажлисни “O’ZMAXSUSMONTAJQURILISH” акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда “Компания”) кузатув кенгаши раиси М.Ў. Азамов олиб борди.

Мажлис баённомасини ёзма тартибда ёзиб бориш учун мажлис котиби этиб Компаниянинг корпоратив маслаҳатчиси М.З. Юнусовни тайинлаш таклифи киритилди ва бир овоздан маъқулланди.

Мажлис раиси сўзга чиқиб қуйидагиларни маълум қилди:

✓ *Мазкур Компания кузатув кенгаши мажлиси Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 78-моддасига асосан Компания кузатув кенгаши аъзоларининг ташаббусига кўра чақирилган;*

✓ *Компания кузатув кенгашининг барча аъзолари кун тартибига киритилган масалаларга доир маълумотлар ва ҳужжатлар билан таништирилган;*

✓ *Бугунги мажлисида Компания кузатув кенгашининг 5 та аъзосидан 5 таси ёки 100 фоиз иштирок этаётганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 78-моддасига ҳамда жамият уставига асосан Компания кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум (100 фоиз) етарли ҳисобланади.*

Кун тартиби:

1. Компаниянинг 2024 йил 9 ой якуни бўйича бизнес - режанинг асосий иқтисодий кўрсаткичларининг бажарилиши юзасидан Компания бошқарув раисининг ҳисоботини эшитиш.

2. Компания бошқарув раиси биринчи ўринбосарининг 2024 йил 9 ой якуни бўйича Компанияда маҳаллийлаштириш ва саноат кооперацияси алоқаларини кенгайтириш бўйича амалга ошираётган ишлари тўғрисидаги ҳисоботини эшитиш.

3. Компаниянинг 2025 йил учун мўлжалланган бизнес – режасини маъқуллаш.

1. Кун тартибидаги биринчи масала бўйича Компания бошқарув раиси А.Х. Шодиев сўзга чиқиб, 2024 йил 9 ой якуни бўйича бизнес - режанинг асосий иқтисодий кўрсаткичларининг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботини ўқиб эшиттирди.

Хусусан, Компаниянинг 2024 йилги бизнес - режа бўйича 9 ой якунига кўра:

- жами даромади 1 017 600,0 минг сўм белгиланган бўлиб, ҳақиқатда 961 901,5 минг сўмни ташкил қилган;

- молия-хўжалик фаолияти соф фойдаси 10 000,0 минг сўм белгиланган бўлиб, ҳақиқатда 28 962,8 минг сўмни зарар билан якунлаган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 28.07.2015 йилдаги “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари тўғрисида”ги 207 - сон қарорига ҳамда Компания ягона акциядорининг 23.07.2023 йилдаги 163/09-2 - қр қарори билан тасдиқланган Компаниянинг 2024 йилги бизнес-режасига асосан Компаниянинг 2024 йил 9 ой молиявий натижаларига кўра самарадорликнинг йиғинди кўрсаткичи (СЙК) 76,7 фоизни ташкил этганлигини ҳамда ушбу кўрсаткич “етарли даражада эмас” эканлигини маълум қилди.

Компания кузатув кенгаши ушбу масалани атрофлича муҳокама қилиб, қуйидагиларни таклиф қилди:

- Компания бошқарув раисининг Компаниянинг 2024 йил 9 ой якуни бўйича бизнес - режанинг асосий иқтисодий кўрсаткичларининг бажарилиши “қониқарсиз” деб топиш;

- Компания ижроия органининг 2024 йил 9 ой молия - хўжалик фаолияти самарадорлигини “етарли” даражада деб баҳолаш;

- Компания ижроия органи (А.Х. Шодиев)га 2024 йил учун бизнес - режа кўрсаткичларининг бажарилиши таъминлаш юзасидан зарурий чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича топшириқ беришни таклиф қилдилар.

Кун тартибидаги масала юзасидан киритилган таклиф овозга қўйилди.

Овоз натижалари :

“Ёқлаб”- “5” та овоз; “Қарши”- “0” та овоз; “Бетараф” –“0” та овоз;

Овоз бериш натижаларидан келиб чиқиб, кун тартибидаги масала юзасидан Компания кузатув кенгаши томонидан қарор қабул қилинди :

1. Компания бошқарув раисининг Компаниянинг 2024 йил 9 ой якуни бўйича бизнес - режанинг асосий иқтисодий кўрсаткичларининг бажарилиши “қониқарсиз” деб топилсин.

2. Компания ижроия органининг 2024 йил 9 ой молия - хўжалик фаолияти самарадорлиги “етарли даражада эмас” деб баҳолансин.

3. Компания ижроия органи (А.Х. Шодиев) 2024 йил учун бизнес - режа кўрсаткичларининг бажарилиши таъминлаш юзасидан зарурий чора-тадбирларни амалга оширсин.

2. Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича Компания бошқарув раисининг биринчи ўринбосари О.Т. Жўраев сўзга чиқиб, Компанияда 2024 йил 9 ой якуни бўйича маҳаллийлаштириш ва саноат кооперацияси алоқаларини кенгайтириш бўйича амалга ошираётган ишлари тўғрисидаги ҳисоботини ўқиб эшиттирди (ҳисобот илова қилинади).

Мазкур ҳисоботга кўра Компания таркибидаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхонлар томонидан ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш чоралари кўрилганлиги туфайли 2024 йил 9 ой якуни маҳаллийлаштириш даражаси ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 121,2 фоизни ташкил этганлиги ҳамда 2024 йил 9 ой якуни бўйича маҳаллийлаштириш ва саноат кооперацияси алоқаларини кенгайтириш бўйича амалга оширилаётган ишлар самарадорлиги кўрсаткичи (КРІ) “етарли” даражада эканлиги маълум қилинди.

Шундан сўнг Компания кузатув кенгаши Компания бошқарув раисининг биринчи ўринбосарининг 2024 йил 9 ой якуни бўйича Компанияда маҳаллийлаштириш ва саноат кооперацияси алоқаларини кенгайтириш бўйича амалга ошираётган ишлари тўғрисидаги ҳисоботини маълумот учун қабул қилишни таклиф қилди.

Кун тартибидаги масала юзасидан киритилган таклиф овозга қўйилди.

Овоз натижалари :

“Ёқлаб”- “5” та овоз; “Қарши”- “0” та овоз; “Бетараф” –“0” та овоз;

Овоз бериш натижаларидан келиб чиқиб, кун тартибидаги масала юзасидан Компания кузатув кенгаши томонидан **қарор қабул қилинди:**

1. Компания бошқарув раисининг биринчи ўринбосарининг 2024 йил 9 ой якуни бўйича Компанияда маҳаллийлаштириш ва саноат кооперацияси алоқаларини кенгайтириш бўйича амалга ошираётган ишлари тўғрисидаги ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

3. Кун тартибидаги учинчи масала бўйича Компания бошқарув раиси А.Х. Шодиев сўзга чиқиб, Компаниянинг 2025 йилга мўлжалланган бизнес - режа параметрлари билан йиғилиш иштирокчиларини таништирди (илова қилинади).

Жумладан, Компаниянинг 2025 йилга мўлжалланган бизнес - режаси Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан берилган наъмуна асосида тайёрланган.

Компаниянинг 2025 йилга мўлжалланган бизнес - режасида белгиланган соф фойда кўрсаткичи 2,125 млн.сўм этиб белгиланмоқда.

Шундан сўнг, Компаниянинг 2025 йилга мўлжалланган бизнес - режасини маъқуллаш таклиф қилинди.

Кун тартибидаги масала юзасидан киритилган таклиф овозга қўйилди.

Овоз натижалари :

“Ёқлаб”- “5” та овоз; “Қарши”- “0” та овоз; “Бетараф” –“0” та овоз;

Овоз бериш натижаларидан келиб чикиб, кун тартибидаги масала юзасидан Компания кузатув кенгаши томонидан **қарор қабул қилинди :**

1. Компаниянинг 2025 йилга мўлжалланган Бизнес - режаси 3 - иловага мувофиқ маъқуллансин.

Шундан сўнг, мажлис раиси М.Ў.Азамов кун тартибига киритилган масалалар кўриб чиқилганини маълум қилди ҳамда мажлис қатнашчиларига миннатдорчилик билдириб мажлис тугаганлигини билдирди.

Компания кузатув кенгаши мажлиси баённомаси икки нусхада тузилди.

Кузатув кенгаши раиси:

М.Ў. Азамов

Кузатув кенгаши аъзолари:

Ш.Р. Ботиров

Т.У. Атакулов

А.А. Гулбоев

У.Н. Бабаева

Кузатув кенгаши мажлиси котиби  **М. Юнусов**

Баённома тузилган сана: 2024 йил “24” сентябрь